

ЖИСМОНИЙ ФАОЛИЯТ САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Инсон саломатлиги доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Зеро, бу бебаҳо неъмат бизларга ўзимиз ва яқинларимизга ғамхўрлик қилишимиз, жамиятнинг фаол аъзосига айланишимиз учун жуда зарур. Спорт билан шуғулланиш нафақат жисмоний ҳолатни яхшилади, балки мия учун ҳам фойдали, реакцияни тезлатади ҳамда тез қарорлар қабул қилиш қобилиятини оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 26 октябрда ўтказилган йиғилишида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан жиддий шуғулланишларига эришиш, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар ва аҳоли саломатлигини ошириш ҳамда ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида намунавий тарзда, оммавий бадантарбия машқлари ҳамда юриш марафони ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан бугун марказий ўйингоҳда тумандаги ташкилот ходимлари, маҳалла фаоллари иштирокида эрталабки бадантарбия машғулоти ўтказилди.

[Марафон давом этмоқда...](#)

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ









2021-10-30 09:49:42